



20 20 у « 8 » июнь

№ Қ-257

« » 20 г

**Термиз тумани “Сурхон - Халқобод”
массиви худудидан “Bek Agro Botany”
МChJга “Иссиқхона биноси”ни қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/258-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 07 майдаги 196/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/258-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви худудидан “Bek Agro Botany” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 28қ ва 31қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 40,8 балл бонитетли жами 20,7 гектар, шундан 20,2 гектар суғориладиган экин ер, 0,4 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,1 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Bek Agro Botany” МChJ бошлиғи Б.Шаямардановга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов